

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСУЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

“ЎЗАГРОКИМЁХИМОЯ” АЖ

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Қ ва СХ вазир ўринбосари
Ўз ҚХИИЧМ Бош директори
_____ Ш.Ж.Тешаев**

“ _____ ” _____ 2017 й.

ПИЁЗ ПАШШАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

ТАВСИЯНОМА



Тошкент-2017 й.

Муаллифлар:

“Ўзагрокимёҳимоя” бошқаруви
раиси ўринбосари, қ.х.ф.н.

Очилов Р.О.

Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш
илмий тадқиқот институти директори,
қ.х.ф.н.

Сагдуллаев А.У.

Лаборатория мудирини,
қ.х.ф.н.

Дусманов С.Э.

илмий ходим

Ташпулатов У.Б.

Такризчилар:

ЎХҚИТИ, лаборатория мудирини,
б.ф.д. проф.

Махмудхўжаев Н.М.

Давлат кимё комиссияси
бўлим бошлиғи қ.х.ф.н.

Нурмухаммедов Д

Мазкур тавсияномада Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти олим ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди ва институтининг илмий кенгашида маъқулланди.

(2016 йил 20 декабр №13 баённома)

КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг юқори самарадор, экологик соф технологияларини яратиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усулларининг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш, аграр соҳаси олдидаги муҳим вазифа, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари орасида сабзавот экинлари асосий ўринни эгаллайди.

Пиёз ва саримсоқ - кўп йиллик пиёздошли ўтсимон ўсимлик унинг пояси цилиндрсимон кўринишга эга, тик ўсади, барглари чизиксимон ўткир учли, оқ пушти гуллари узун, гул бандлари билан соябонни ташкил қилади. Пиёзгулдошлар оиласига мансуб. Пиёз ва саримсоқ озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда инсон организими учун фойдали маҳсулот сифатида исътемоқ қилинади. Таркибида фитоцтеринлар, фитонцидлар, эфир мойи, С ва В витаминлари, органик кислота, фитонцид ва бошқа моддалари мавжуд.

Пиёз ва саримсоқдан сифатли маҳсулот олишнинг асосий омилларидан бири зараркунандалардан ҳимоя қилишдир. Пиёз ва саримсоқнинг зараркунандалари етказадиган зарари бугунги кунда ўртача 30 – 35 % ни ташкил қилмоқда.

Юқори ва сифатли ҳосил олишда агротехник тадбирларига қатъий амал қилиш, зараркунанда ва касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, биоценозда пайдо бўлиш вақтини аниқлаган ҳолда уларга ўз вақтида қарши кураш тадбирларини ташкил талаб этилади.

Президентимиз ички ва ташқи бозорларда сабзавот, полиз экинларини кенгайтириш мақсадида 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли қарори эълон қилинди. Қарорда пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига 2020 йилга бориб сабзавот экин майдонларини 91 минг гектарга кенгайтириш белгиланган.

Сабзавот экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш ва шу асосида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга катта

эътибор бериш талаб этилган. Сабзавот экинларини зарарли организмлардан химоя қилиш чора-тадбирлари экологик соф, замонавий қулай, иқтисодий тежамли ва атроф муҳитга салбий таъсири кам химоя тизимларини ўз ичига олган бўлиши шарт. Бундан кўриниб турибдики пиёзгулдошлар оиласига мансуб экинларининг зараркунанда ва касалликларига қарши замонавий химоя тизимини яратиш, шу кундаги долзарб муаммо ҳисобланади.

Пиёз ва саримсоқ экинларида 25 – 30 дан ортиқ турдаги зараркунандалар зарар келтириб яшайди. Улар ичида кўп зарар келтирувчи ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган пиёз пашшаси, тамаки трипси, ўргимчакканалар каби зараркунандалар келтирадиган зарари жуда юқори.

ПИЁЗ ПАШШАСИ

Пиёз пашшаси – барча пиёз экиладиган ҳудудларда учрайди.

Таърифи. Етук зот – пашшанинг катталиги 6-7 мм, ранги сарғиш-кулранг, орқа томонида қорни ва елкаси устидан билинар-билинемас қорамтир чизик ўтади. Личинкасининг олд томони ингичкалашиб келган, тўқ сариқ ранг, оёқсиз, узунлиги 9-10 мм келади. Орқа қисми тўмтоқ бўлиб, унда 16 та тирноқчаси бор, улардан 4 та пастдагиси йирик. Ғумбаги жигарранг, сохта пиллага ўралган бўлади. Пиёз пашшаси ғумбак шаклида тупроқда 10 – 20 см чуқурликда қишлайди. Вояга етган пашшалар қоқиўт, олча гуллаганда учиб чиқиб, 5-10 кун гул нектари билан озиқланиб, тухум қўя бошлайди. Урғочи пашшалар тухумларини 5-20 тадан туп-туп қилиб ёки биттадан барг қлтиқларига, илдиз бўғзи атрофидаги тупроқ ёриқларига қўйишади. Урғочи пашшалар 50 – 80 кун яшаб 150 – 200 тагача тухум қўйишади. Тухумдан чиққан личинкалар пиёзбошга барглар асосидан ёки илдиз тарафдан кириб олиб, у ерда 15 – 20 кун ривожланади. Битта пиёзбошда 50 тагача личинка ривожланиши мумкин.

Хаёт кечирishi. Пиёз пашшаси йил давомида ривожланишдан тўхтамайди. Фақатгина қишнинг совуқ кунларида, пиёз ва саримсоқ пиёзнинг ерости қисмида зараркунанданинг личинкаси (курти) ва ғумбагини вақтинча “уйқу” шаклида учратиш мумкин. Ёзнинг жазийрама иссиқ кунларида ҳам у ёзги “уйқуга” кетади. Пиёз пашшаси учун энг мақбул шароит ёзнинг охирикеч куз, ҳамда феврал-май ойлари ҳисобланади. Бу пайтда у урчиб пиёз ва саримсоқ пиёзларнинг пастқи (ерга яқин) қисмига, ўсимлик поясига ва унинг атрофларига 5-20 тадан қилиб тухум қўяди. Личинкалар очиб чиқиб ўсимлик пояси орқали пастга, ўсимлик тугунчасига қараб ҳаракатланади ва озиқланади. Шикастланган ўсимлик соғломларидан ташқи кўриниш бўйича ажрала бошлайди: барглари ўсишдан тўхтаб, буралади, сарғаяди ва учидан бошлаб қуриydi. Ўсимлик туганаклари ёрилиб, зарарланиш белгисини беради, кичик ва сифатсиз бўлиб қолади. Ўзбекистон шароитида за-

раркунанда йилига 4-5 авлод бериб ривожланади. Ривожланишдан тўхтаган курт тезда пиёзнинг ичида ва поя барглари орасида тўқ жигарранг сохта пилла ичида ғумбакланади. 8-38 кун ўтиб, ундан янги авлод етук зоти (кичик пашшалар) учиб чиқиб ривожланишни бошлайди.



1- расм. Пиёз пашшасининг етук зоти (чапда) ва ғумбаги (ўнгда).



2- расм. Пиёзни зарарлаётган пиёз пашшаси личинкалари.

Зарари. Пиёз пашшаси саримсоқ ва оддий пиёзни шикастлайди. У турли гулларнинг пиёзларини ҳам зарарлаши мумкин. Кучли ва эрта зарарланган пиёз секин-аста қуриб қолади; кеч зарарланганлари эса, сифатсиз ҳосил бериб, янги зарарланиш, ёки зараркунандани тарқалиш манбаини вужудга келтиради. Яъни, зарарланган пиёзнинг ичида пашшанинг ғумбагини аниқлаш мумкин, бу эса, уни янги жойларга тарқалишини таъминлайди. Бу зараркунандалар саримсоқ пиёзнинг ҳосилдорлиги 20-25%

га камайтириб, бозорбоплиги сифати пасаяди.



3 расм. Пиёз пашшаси билан зарарланган пиёз бошлари



4 расм. Пиёз пашшаси зарарлаган кўк пиёзлар.

КУРАШ ЧОРАЛАРИ.

1. **Агротехник кураш.** Пиёз пашшаси келтирадиган зарарни олдини олиш учун экин майдонларини алмашлаб экиш, зарарланган ўсимликларни даладан олиб чиқиб кўмиб ташлаш, даладаги чириган ва шикастланган пиёшбошларини йиғиштириб олиш, далани чуқур шудгор қилиш ва қишда зарур холларда яхоб суви бериш, зараркунанда ва касалликларга чидамли навларни экиш, минерал ва органик ўғитлар билан озиклантиришни ўз вақтида бажариш ишларини ташкил қилиш зарур.

2. **Кимёвий кураш.** Республикамизнинг иқлим шароитида пиёз ва саримсоқ экинлари истеъмол учун икки муддатда, экилади. Эртаги муддатда феврал ойида ва ўртаги муддат июн ойида кечки яъни уруғлик учун август

ойида экилади. Эртаги экинларда бу зараркунандага қарши кимёвий препаратлар билан апрел ойи охири ва май бошларида, ўртаги муддатда экилган майдонларда июл ойи охири август ойи бошларида, уруғлик учун экилган майдонда хаво харорати юқори келган ҳолда октябр ойларида ишлов берилади.

Пиёз пашшасига қарши кимёвий ишловни одатда бу зараркунанда хашарот тарқалган ерларда ўсимлик зарарланганлиги кўзга ташланмасдан бурун, ёки 3-4% ўсимлик зарарланганлигида бошланади.

Истеъмол учун экилган майдонларида кимёвий ишлов ўтказишда қуйидаги препаратлар қўлланилади. Циперметрин, 25 % эм.к. гектарига 0,5 л., циракс, 25 % 0,5 л., децис, 2,5 % эм.к. 0,3 л., уруғлик экинларида БИ-58 (янги), 40 % эм.к., гектарига 0,5-1,0 л., данадим экспорт, 40 % ли эм.к. 0,5-1,0 л сарф меъёрида қўлланилади.

Трактор пуркагичлари билан ишлов ўтказилганда гектарига 300 литр сув сарфланади. Кичик майдонларда ишлов ўтказилганда 10 литр сув сиғимли К-45 русумли маторли қўл аппарати ва 25 литр сув сиғимига эга бўлган аравачали кариола пуркагичида ишловлар ўтказилади. Бунда 10 литрли пуркагичларда **циперметрин** 15 гр, **циракс** 15 гр, **децис** 10 гр, **БИ-58**, (янги) 15 – 30 гр, **данадим эксперт** 15 – 30 гр. сарфланиши ва тайёр бўлган 10 литр ишчи аралашма 3 сотих экин майдонга етказилиши лозим. 25 литр сув сиғимли пуркагичларда **циперметрин** 40 гр, **циракс** 40 гр, **децис** 25 гр, **БИ-58**,(янги) 40 – 80 гр, **данадим эксперт** 40 – 80 гр сарфланиши ва тайёр бўлган. 25 литр ишчи аралашма 7,5 сотих экин майдонга етказилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Найбаков А., Сербинов В., Муминов О. Сабзавот-полиэкинларининг зараркунанда ва касалликлари. Тошкент-1969 й.
2. Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати. Тошкент-2016 й.
3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. Тошкент.-Navro'z.-2014.-276-279 б.